

## **УЙҒУР ТИЛИ ФАНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎҚИТИШ УСЛУБИ**

**Фарход Гисаров**

Катта ўқитувчи, Турк филологияси кафедраси, ТДШУ

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада уйғурча таълим атамалари ўқитишда қўлланилган методлардан фикр юритилган.*

*Техник таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириши йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни таълим этишига асосланувчи таълим. Ўқитиш жараёнида доривор ўсимликларнинг уйғурча номларини янада яхшироқ эслаб қолиш учун шу методлар қўлланиб келинади ва таълим берувчи, таълим олувчини фаол иштирок этишига чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади.*

*Техник-фаол принципдарга изох бериб уни илмий термин сифатида қўлланган олимларнинг таътқиқотларга мурожат қилинган ҳолда мазкур тушунча изохланган. Анъанавий таълим беришдан фарқли ўлароқ, техник-фаол ўқитиш «таълим жараёнининг асосий иштирокчилари –ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизгин баҳс-мунозара, ўзаро фикр алмашиши имкониятига эгаллик асосида таълим этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиши, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириши, “ўқитувчи– ўқувчи– ўқувчилар гуруҳи»нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари каби билан тавсифланади”.*

*Шу ўринда бугунги кунда тил ўрганишида тинглаб тушуниш, ешитиб ўрганиш каби нутқ фаолиятлари турлари бевосита аудиоматериаллардан, компьютер ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиб ўрганишида ўзининг ижобий натижасини бериб келмоқда. Мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикрларнинг кўпайишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.*

**Калит сўзлар:** *Техник усуллари, уйғур тили, интернет таълим, ўқиш ва ёзиш, дидактик ўйинлар, монологик ва диалогик нутқ, аудио ва видео мажмуалар, кейс стади, юмалоқ стол методи, интерактив методлар.*

## **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье рассматриваются методы, используемые при преподавании уйгурских медицинских терминов.*

*Образование, основанное на организации действий на основе взаимного сотрудничества участников процесса технического образования с целью приобретения знаний, умений, компетенций и определенных моральных качеств. Чтобы лучше запомнить уйгурские названия лекарственных растений, эти методы используются в учебном процессе, и преподаватель приглашает обучающегося к активному участию. Учащийся участвует на протяжении всего процесса.*

*Это понятие поясняется при обращении к исследованиям ученых, которые объяснили технико-действенный принцип и использовали его как научный термин. В отличие от традиционного образования, технико-активное обучение организуется на основе «сотрудничества основных участников образовательного процесса — преподавателя, ученика и группы учащихся, имеющих возможность интенсивного обсуждения и обмена идеями, в которые они могут свободно мыслить, без колебаний выразить свои личные взгляды, проблематичные для него характерны совместный поиск решений ситуаций, создание взаимной близости учащихся при освоении учебного материала, взаимное уважение, понимание и поддержка «учитель-ученик-группа учащихся», искренние взаимоотношения, достижение духовного единства.*

*В то же время сегодня в изучении языка, понимании на слух, аудировании и т. д. речевая деятельность дает положительные результаты при обучении с использованием аудиоматериалов, компьютеров и других технических средств. Развиваются навыки логического и системного мышления. Отсутствие оценки высказанных мнений приводит к увеличению разногласий среди обучающихся. Этот метод служит развитию творческого мышления у учащихся.*

**Ключевые слова:** *Технические методы, уйгурский язык, интернет-образование, чтение и письмо, дидактические игры, монологическая и диалогическая речь, аудио- и видеоконспекты, кейс-стади, метод круглого стола, интерактивные методы.*

## **ABSTRACT**

*This article discusses the methods used in teaching Uyghur medical terms.*

*Education based on the organization of action based on mutual cooperation of the participants of the technical education process in order to acquire knowledge, skills, competences and certain moral qualities. In order to better remember the*

*Uyghur names of medicinal plants, these methods are used in the teaching process, and the teacher invites the learner to actively participate. The learner is involved throughout the process.*

*This concept is explained when referring to the researches of scientists who explained the technical-active principle and used it as a scientific term. In contrast to traditional education, technical-active education is organized on the basis of "cooperation between the main participants of the educational process - a teacher, a student and a group of students, having the opportunity for intense discussion and exchange of ideas, in which they can think freely, express their personal views without hesitation, problematic it is characterized by joint search for solutions in situations, creation of mutual closeness of students in mastering educational materials, mutual respect, understanding and support of "teacher-student-group of students", sincere relationship, achievement of spiritual unity".*

*At the same time, today, in language learning, listening comprehension, listening, etc., speech activities are giving positive results in learning using audio materials, computers and other technical tools. Logical and systematic thinking skills are developed. The lack of evaluation of the expressed opinions leads to the increase of different opinions among the learners. This method serves to develop creative thinking in students.*

**Key words:** *Technical methods, Uyghur language, Internet education, reading and writing, didactic games, monologic and dialogic speech, audio and video sets, case study, round table method, interactive methods.*

## **КИРИШ**

Уйғур тили ва адабиёти фани, айнан Уйғурча табобат атамалари мавзусини талабаларга ўқитиш жараёнида доривор ўсимликларнинг уйғурча номларини янада яхшироқ эслаб қолиш ва кейинчалик ҳам адаштирмасдан ёдда тутиш маҳоратини ошириш муҳим саналади. Уйғур тилидаги шифобахш ўсимликлар номлари ўзига хос қадимий тил хусусиятларига эга бўлган қатлам бўлиб, бу қатламдаги сўзларни тўғри талаффуз қилиш ва ўзбек тилига ёки бошқа тилларга тўғри таржима қилиш ўша атамаларнинг ҳозирги уйғур тили тил талабларига нақадар мос келиш ёки нечоғлик ўзгаришларга учраганлигини намоён этиб беришга хизмат қилади.

Республикамизда хорижий тилларни ўқитиш ва ўргатиш борасида мустақиллик йилларида олиб борилган таълимий жараён мобайнида ўқитувчилар янги ва янги инновацион таълим усулларини ўрганиб амалиётга жорийлантирмоқдалар, ўз таълим бериш методларини ўзгартирмоқдалар. Чет тилларни ўқитишда замонавий технологиялардан фойдаланиш устозларга

ўқитишни қизиқарли қилиш ва такомиллаштириш, таълимни янада самаралироқ қилиш учун кўп имкониятлар тақдим этмоқда.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Замонавий технологик воситалар талабаларнинг қизиқишларига қараб фанга жалб этишга ёрдам берувчи восита бўлмоқда. Бундай ўқитиш усулларида асосий талаблар талабаларнинг қуйидаги жиҳатларини мукамаллаштиришни тақозо қилади. Булар қуйидагилар:

- талабаларнинг мустақиллиги;
- мослашувчанлиги;
- танқидий фикрлашлари;

Талабаларнинг ижодий қобилиятларини, қизиқишларини, кўникмаларини ривожлантиришда инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Компьютерлаштирилган таълимда ахборот-коммуникация техноллогиялари воситаларини қўллаш катта самара беради. Талабаларга чет тилини ўрганишда Интернет бебаҳо ёрдам берувчи восита эканлигини назардан четда қолдирмаган ҳолда, ундан тўғри фойдаланишни ўргатиш бугун жуда муҳимдир. Глобал веб-сайтлардан матн танлаб олиш, уни ўқиб тушуниш иши талабалардан чет тилини мукамал билишни талаб этади. Дарсдан кейинги мустақил ишлаш жараёнида талаба устознинг ёрдамисиз ўзи мустақил изланиш олиб бориши реферат, курс иши, диплом иши кабиларни ёзиши керак бўлади. Бунда Интернет унинг ахборот манбаи бўлиши табиий. Бунда талабалар аудио ва видео мажмуалар, мултимедиа ўқув компьютер дастурларидан тўлиқ фойдалана олишлари керак.

Таълимнинг қуйидаги

1. Ўқиш (Reading),
2. Сўз бойлигини ошириш,
3. Монологик ва диалогик нутқ кўникмаларини ошириш,
4. Веб-интернет материалларини муҳокама қилиш

методлари замонавий чет тили ўқитишнинг даражаларини юксалтиришда асосий омиллардан саналади.

Ҳозирги давр учун долзарб бўлган илғор педагогик технологиялар ва интерактив ўқитиш бугунги кун таълим тизими олдига янги ахборотни мустақил қабул қилиш, баҳолаш ва тегишли қарорларни қабул қилишга қодир бўлган ижодкор шахсни тарбиялаш вазифасини қўяди. Интерактив ўқитиш деб инсон руҳиятига ва инсонлар орасидаги ўзаро илмий алоқага асосланган таълим тушунилади. Диққат марказида битта ўқувчи эмас, балки муаммони муҳокама қилаётганда бир-бири билан тортишадиган, фикрларига қўшиладиган, бир-

бирини руҳлантирадиган ўқувчилар гуруҳи тушунилади. Интерактив методларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) эвристик суҳбат,
- 2) мунозара методи,
- 3) —ақлий ҳужум ,
- 4) —юмалоқ стол методи,
- 5) —ишчан ўйин методи,
- 6) амалий ишлар уларнинг муҳокамаси билан мусобақаси,
- 7) кейс стади каби технологиялар.

Бундан ташқари алоҳида иштиёқманд ўқитувчилар томонидан ўтказиладиган актив ўқитиш методлари бор. Танқидий фикрлашни ўқиш ва ёзиш орқали ривожлантириш лексикани ўргатишда муҳим методлардан биридир. Бу технология асосчиси – америкалик Чарльз Темпл, Курт Мередит, Джинни Стилл, Дона Огл ҳисобланади. Танқидий фикрлаш деганда болалардаги қизиқувчанлик, маълум саволга ўз фикрини билдириш, уни мантиқий хулосаларини ҳимоя қилиш усуллари тушунилади.

## **2.Уйғур тилидаги табобат атамаларини ўрганишдаги аудио- визуал метод.**

Уйғур тилидаги табобат атамалари мавзуси уйғур тилидаги қарийиб 600 та доривор ўсимликлар номлари ва уларнинг халқ табобатида ишлатилиш билан боғлиқ уйғурча сўзлар, сўз бирикмаларини ўз ичига қамраб олади. Бу катта материал ҳисобланади . Бу луғавий материални эслаб қолиш ва уларни таржима қилиш асносида хатоларга учрамаслик учун ўқитиш методларидан бири бўлган аудио-визуал, яъни сўзларни тинглаб, шу сўзлар ифодалаган ўсимликларнинг расм ва сувратларини кўз орқали кўриб эслаб қолиш усулининг катта аҳамиятли таълимий омил эканлигини ўқитиб ўтиш лозим.

Уйғур табобатида қўлланиладиган доривор ўсимликлар намуналари:

### **Апельсин**




[باشقا ئاتىلىشى] نارەنجى، تۇرۇنجى  
[لاتىنچە نامى] Frustus Citrus aurantium  
[ئىنگلىزچە نامى] Sour Orange

### **Лимон**



[باشقا ئاتىلىشى] لىمون، نىبۇ  
[لاتىنچە نامى] Fructus Citrus Limon  
[ئىنگلىزچە نامى] Lemon

### Тарвуз



[باشقا ئاتىلىشى] بەتىخ ھىندى، تەربۇز، ھىندى دانە  
[لاتىنچە نامى] Pulpa Citrullus lanatus  
[ئىنگلىزچە نامى] Watermelon

### Шафтоли



[باشقا ئاتىلىشى] خوخ، شافتالو، ئارو  
[لاتىنچە نامى] Amygdalus Prsica  
[ئىنگلىزچە نامى] Peach Fruit

### Беҳи



[باشقا ئاتىلىشى] سەپەرچىل، بىيە، بېھى  
[لاتىنچە نامى] Fructus Cydonia oblonga  
[ئىنگلىزچە نامى] Common Quince Fruit

Мазкур ўсимлик номларини талабаларга дарс мобайнида тушунтиришда улардаги эшитиб-кшириш орқали маълумотларни аниқ ва тўғри қабул қилиш кўникмалари устида ишланди. Олий ўқув юртларидаги уйғур тилини ўрганувчи талабалар гуруҳларида натижа оддий маъруза орқали ўқитишга қараганда тахминан 35-40 %га баландроқ бўлганлиги аниқланди.

Хулоса ўрнида шунини келтириш мумкинки, талабаларга чет тилини таълим беришда замонавий ўқитиш методларининг ўрни беқиёс эканлиги ва уларни қўллашда ҳозирги электрон ахборот технологияларидан самарали ва унумли

фойдаланиш талабаларнинг чет тилини мукамал ўрганишларига катта ёрдам берувчи восита эканлигини таъкидланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)**

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций» № УП-5349.- Ташкент, 2018 г., 19 февраля
2. Постановление Президента Шавката Мирзиёева —О мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования на 2017-2021 годы // <https://lex.uz/docs/3171587>
3. Hartlex Tony. Technology and Translation: in Jeremy Munday. The Routledge Companion to Translation Studies. London and New York: Routledge, 2009. – 106 p. – P. 27.
4. Клименко А.В. Ремесло перевода. Практический курс. – М.: Восток-Запад, 2007. – 636 с.
5. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – 325 с. 4. Щукин А.Н. Обучение иностранным языкам. Теория и практика: учеб. пособие для преподавателей и студентов. – М., 2004. – 416 с.
6. Жўраев А. Х. ГИД ТАРЖИМОНЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ МАЛАКАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланиш Жўраев Абдуназар Хатамназарович ТТА, ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси доценти
7. Tashxodjaeva P.B. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ О'QITISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR Patima Bakieva Tashxodjaeva Toshkent tibbiyot akademiyasi O'zbek va xorijiy tillar kafedrasikatta o'qituvchisi
8. Makhmurova M.H. The importance of a foreign language in higher education // *Voprosi nauki i obrazovaniya. № 8 (92), 2020. :*
9. Mavlonova U.K., Karimova Sh.K. THE PROBLEM OF TEACHING ENGLISH IN MIXED ABILITY CLASSES // *Dostijeniya nauki i obrazovaniya. № 5 (59), 2020.*
10. Mavlonova U.K., Achilova R.A. THE PROBLEM OF TRANSLATION OF REALIA (AMERICANISMS) // *Dostijeniya nauki i obrazovaniya. № 5 (59), 2020.*
11. Уйғур таъриқи энциклопедияси. 2010.Шинжонг.